

Осонлик ва қийинлик кўплик ва озликдан эмас



17:09 / 14.10.2017 3818

Дегувчи деди: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам гоҳида оч қолиб, ҳаттоки қоринларига бир ёки иккита тош боғлаб олганлар. Шунингдек, Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумо ҳам шундай қилишган».

Деди: «Албатта, осонлик кўплик ва озликда эмас. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳоллари ҳам шундай. У зот фақатгина ўзларига тақдир қилинган нарсанигина топар эдилар. Шунингдек, ризқдан ўзларига қисмат қилинганини олардилар. Ҳамма ҳам фақатгина ўзига тақдир қилинган ризқни топади. Ўша унинг ризқидир. Унга тақдир қилинмаган нарса унинг ризқи эмас».

Ризқ – бир нарсанинг қазо йўли ила сенга отилишидир.

Араблар «рузиқа» ва «зуриқа» дейишади. «Зуриқа билмизроқ» – «Унга буни отган эди, олдига келиб тушди», деганидир.

Агар «ро» ҳарфини олдин қилиб, «рузиқа» дейилса, «қазо ва қадар тарафидан отилди», дегани бўлади.

Итоаткорга осон бўлади, чунки унинг қалби ишончга тўлиқ, хотиржамдир. Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги қавллари дир:

«Кимни одамларнинг энг бойи бўлиш масрур қилса, Аллоҳнинг қўлидаги нарса унинг икки қўлидаги нарсадан кўра ишончлироқ бўлсин»^[1].

Чарчоқ ва хоришдагига келсак, албатта, ўша чарчоқ ва хориш унда қалбнинг бузуқлиги сабабли ҳосил бўлган, чунки яқийн заифлашса, қалб беқарор бўлади. Унинг (ризқнинг) кечикиши қалбни маҳзун қилади. Унинг озлиги ва истагига кўра келмагани учун қалб синади. Унинг қалби доимо ғам-ғуссада ва маҳзунликда бўлади. Ўзи эса тақдир қилинган ёки қилинмаганини билмаган нарсанинг фавт бўлишидан афсусда бўлади.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Касбнинг баёни китобидан)

^[1] Термизий шу маънодаги ҳадисни ривоят қилган.